

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

---

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

5-2020

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

**Аниқ ва табиий фанлар**

МАТЕМАТИКА

**А.Оқбоев, Н.Муталлиев**  
Параболо-гиперболик тенглама учун Трикоми масаласи.....6

КИМЁ

**И.Аскарлов, А.Хаджикулов**  
Хурмо экстрактларининг антиоксидантлик хусусиятларини ўрганиш.....10

**А.Ибрагимов, Т.Амирова, А.Иброхимов**  
Матоларни кимёвий таркибига кўра сертификатлаш ва таснифлашга доир.....15

**И.Аскарлов, М.Ҳожиматов, Ф.Абдугаппаров**  
М-ферроценлбензой кислотасининг метиллолдитиомочевина билан реакциясини ўрганиш.....19

**М.Акбарова**  
Синтетик кир ювиш воситаларининг кимёвий таркиби ва атроф муҳитга таъсири.....24

БИОЛОГИЯ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

**А.Гадоев, Х.Комилова, Г.Гадоева**  
Қува туманида уй ҳайвонларининг саркоспоридийлар билан зарарланиши.....29

**Ижтимоий-гуманитар фанлар**

ИҚТИСОДИЁТ

**З.Таджибаев**  
Рақамли иқтисодиёт нима? .....32

ТАРИХ

**А.Азизов**  
Замонавий этнологик тадқиқотларда ҳайвонот олами билан боғлиқ қарашларнинг назарий-методологик талқини .....37

**З.Раҳманов, Р.Муродалиев**  
Фарғона вилояти ҳудудидаги мозор-кўрғонларни ўрганиш бўйича янги тадқиқот.....43

**Ж.Адилов**  
Александр Бекович-Черкасский Хивага юришининг тарихи тарихий-географик тадқиқотлар контексти жиҳатидан.....50

**Ж.Тоғаев**  
Тарихий реконструкция масаласига доир баъзи мулоҳазалар.....55

**Қ.Пўлатов**  
XX асрнинг 20-50-йилларида ўзбек театр ва кино санъати мафкуравий тарғибот қуроли сифатида .....61

**М.Тухтаева**  
Мусулмон ренессанси даврида Марказий Осиёда ҳунармандчилик (IX-XIIасрлар)....65

**Б.Аббасов**  
Ўзбекистон ССРнинг Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йиллардаги иқтисодий ривожланишида қишлоқ хўжалигининг тутган ўрни.....70

АДАБИЁТШУНОСЛИК

**З.Раҳимов**  
Бадий тил ва ижодкор маҳорати.....75

УДК: 950+39/2

## ЗАМОНАВИЙ ЭТНОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАРДА ҲАЙВОНОТ ОЛАМИ БИЛАН БОҒЛИҚ ҚАРАШЛАРНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК ТАЛҚИНИ

### ТЕОРЕТИКО-МЕТОДОЛОГИЧЕСКАЯ ИНТЕРПРЕТАЦИЯ ВЗГЛЯДОВ НА ЖИВОТНЫЙ МИР В СОВРЕМЕННЫХ ЭТНОЛОГИЧЕСКИХ ИССЛЕДОВАНИЯХ

#### THEORETICAL AND METHODOLOGICAL INTERPRETATION OF VIEWS ON THE FAUNA IN MODERN ETHNOLOGICAL RESEARCH

А.Азизов<sup>1</sup><sup>1</sup> А.Азизов

– ЎзР ФА, Тарих институти илмий ходими.

#### Аннотация

Мақолада инсоннинг ҳайвонлар билан боғлиқ дунёқараши шаклланишининг сўнги илмий назарий-методологик асослари таҳлил қилинган. Илмий изланишлар натижасида қўлга киритилган охириги методологик ютуқлар солиштирилган. Тадқиқот халқаро етакчи илмий марказларнинг олиб бораётган илмий изланишлари йўналишларининг таҳлилини амалга оширган.

#### Аннотация

В статье проанализированы последние научные теоретико-методологические основы формирования мировоззрения человека, связанного с животными. Проведено сопоставление последних методологических достижений, полученных в результате научных исследований. Исследование позволило проанализировать направления научных поисков ведущих международных научных центров.

#### Annotation

In this article the formation of viewpoint of human related to animals in the last theoretical-methodological bases have been analyzed. The last methodological achievements' results in scientific researches have been compared. The research promotes the analyses of tendency of scientific researches of leading international scientific centers.

**Таянч сўз ва иборалар:** тасаввур, уй ҳайвони, ёввойи ҳайвон, ишонч, маросим, метод, қурбонлик, бўри, тотем, этник гуруҳ, рамз, жамият, дин, руҳий тараққиёт.

**Ключевые слова и выражения:** представление, домашние животные, дикие животные, вера, ритуал, метод, жертвоприношение, волк, тотем, этническая группа, символ, общество, религия, духовное развитие.

**Keywords and expressions:** viewpoint, domestic animals, wild animals, belief, ritual, method, sacrifice, wolf, totem, ethnic group, symbol, society, religion, psychological development.

Дунё миқёсида жамият тараққиёти натижасида жониворлар билан боғлиқ қадимий эътиқод илдишларини ўрганиш долзарблик касб этган бўлса, замонавий этнологик тадқиқотлар ҳайвон ва инсон муносабатларини янгича қарашлар асосида тадқиқ этмоқда. Ўтган асрдаги изланишларда асосан маълум бир халқнинг жониворларга нисбатан тасаввурлари таҳлили этнографик жиҳатдан тадқиқ этилган бўлса, бугунги кунга келиб ривожланган жамиятда инсон ва ҳайвонлар ўртасидаги муносабатларнинг психологик, социологик, медицина, ҳайвонлар ҳуқуқига оид ҳамда қатор бошқа жиҳатлари бўйича илмий изланишлар амалга оширилмоқда.

Ҳозирги кунда ҳайвонлар ва дин масаласи энг долзарб илмий муаммолардан бири бўлиб келмоқда. Ушбу масала юзасидан қатор тадқиқотлар амалга

оширилмоқда. Уларга мисол қилиб Кристен Стилдт, Мят Мин, Чо Чо Зав, Джейми Л. ДеЛюв, Люк В. Гален, Кассандра Эберсолд, Виктория Стантон, Шейрон Мерс, Мадалина Стречи, Д.Грумметт, Паул Мукулуки, Кристина Мбабази Мпянгу, Джеймс Моррис, Иван Стренский, Роберт Джонс, Диана Бовз, Эндрю Бенжамин, З.П.Соколова, С.Н.Волков, С.Е. Кузина, К.С.Васильцов, А.Дудин, И.Ю.Винокурова, И.Ю.Котин, Е.С.Соболева, Л.К.Текеева, В.Н.Топоров каби тадқиқотчиларни санаб ўтиш мумкин.

Жониворларнинг инсоният тараққиётидаги ўрни, инсон ва ҳайвон муносабатларининг турли жиҳатлари хусусида эса Т.Н.Дмитриева, Тим Инголд, Девид Вошбурн, Виллиам Читтик, Мелинда Зидер, Мери Жалонго, Аллен МакКоннел, Кристина Бравн, Тоня Шода, Лаура Стейтон, Мартин Коллин, Линдсей Хемилтон, Ник

Тейлор, Линда Келоф, Моника Либел, Бингтао Су, Хенни Иломаки, Кей Андерсон, Гаролд Герцог, Лаура Огден, Билли Холл, Кимико Тамита ва шу каби бошқа изланувчилар тадқиқотлар олиб боришган.

Ушбу изланишларни шартли равишда икки қисмга бўлиш мумкин. Булар инсоннинг ҳайвонга нисбатан муносабати эътиқодий илдизлари хусусидаги ва замонавий жамиятда инсон турмуш тарзида жониворларнинг ўрнига бағишланган тадқиқотлардир.

Биринчи йўналишга оид изланишлардаги асосий диққат-эътибор эътиқодий қарашларда жониворларга нисбатан шаклланган тасаввурлар тарихий изларини тадқиқ этиш ҳисобланади. Уларда қадимий эътиқодий шакллар эътиборга олинган. Тотемистик тасаввурлар изланишларнинг диққат марказида жойлашган бўлиб, маросимлар ҳамда жониворлар билан боғлиқ қарашлар таҳлил этилган.

С.Н.Волков ва С.Е.Кузина тотемизмнинг назарий асослари ҳақида изланиш олиб борганлар. Уларнинг қарашларига кўра инсон жониворларни инстинкт ва ўзини тутишига қараб шаманизм ҳамда магия орқали эзотерик маросимларда акс эттиради [1,103]. Бундан ташқари, тотемизм тузилиши ва инсонлар маросимий ҳаётидаги кўринишлари тўғрисидаги назарий қарашларни келтириб ўтадилар.

Зоолатрик қарашларга мансуб тадқиқотлар М.А.Харитонов, Л.К.Текеева, И.Ю.Виноруковаларнинг изланишларида ўрганилган [2,3,4]. Л.К.Текеева асосан Шимолий Кавказдаги туркий тилли халқлардан қорачой, булқор, қумиқ ва нўғайлар дунёқарашидagi жониворларга нисбатан шаклланган эътиқодий қарашларни тадқиқ этган. Ўз ишида маросимлар тизимидаги жониворларни касалдан даволаш усулларини келтириб ўтган. Бундан ташқари, чорвадаги турли касалликларни даволаш ҳамда улардан сақланиш мақсадида тумор осилганини келтириб ўтган [5,168]. Бундай аналогни дунёнинг турли халқларида учратиш мумкин.

Шундай чорва молларидан бири қорамол бўлиб, буқага нисбатан шаклланган дунёқарашни олима фақатгина деҳқончиликнинг вужудга келишидаги оғир омоч иши билан эмас, балки буқанинг асосан

қурбон қилиниши билан боғлиқ маросимларга боғлайди. Буқа гўштини истеъмол қилиш орқали унинг кучи, наслдорлик ва бардошлилик хусусиятига эга бўлиш мумкин, деб баҳо беради. Яна уйда хотиржамлик бўлиши учун буқани уй атрофида уч марта айлантириш кифоя қилиши тўғрисидаги маросимни қайд этиб ўтган [5,168]. Бундан ташқари, ушбу халқларнинг от, тўнғиз, қўй, эчки, ит, бўри каби жониворларга нисбатан мавжуд қарашлари таҳлил этилган. Олима жониворларга нисбатан шаклланган эътиқодий қарашларни тотемистик асосга кўра вужудга келганини таъкидлайди. У ушбу тасаввурларни икки хил жиҳатга бўлади: инсоннинг ижтимоий гуруҳларга бўлиниши ҳамда диний-эътиқодий тизим ва анъаналари [6,37]. Олима шу орқали халқ турмуш тарзи ва онгида жониворларга нисбатан мавжуд қарашларга баҳо беради. Эътиқодий жиҳат устун бўлганлиги учун ҳам маросимлар ниҳоятда муҳим эканлигига алоҳида тўхталади.

XX асрнинг сўнги чорагида тотемизмга оид қатор изланишлар олиб борилган бўлиб, шундай тадқиқот муаллифларидан бири З.П.Соколова [7] илмий изланишларида жониворларнинг қадимий динлардаги изларига баҳо берган. Унинг фикрига кўра, маросимлар доирасида инсон ҳамда ҳайвон ўртасидаги боғлиқлик асоси тотемистик ва магик аҳамиятга эга.

Аҳоли тасаввурларида, маросимларида жониворларнинг воситачилик роли ҳамда эътиқодий қарашлар илдизлари хусусида А.Дудин томонидан олиб борилган тадқиқот аҳамиятга эга. Изланишда қадимги даврдаги Европа дашт ҳудудида кенг тарқалган декоратив безак ҳамда сақловчи тумор сифатида фойдаланилган қўчқор шохи ҳақида таҳлил мавжуд. Михсимон кўринишдаги қўчқор шохи тақинчоқларининг даврлаштирилиши тўғрисидаги илмий хатоликларни қайд этиб ўтади ва археологик қазималар натижасида топилган буюмларни типларига кўра гуруҳларга ажратади [8, 10-13].

Мифологиядаги фантастик жониворлар, ҳайвонот олами ҳақида ҳам талайгина тадқиқотлар олиб борилган. Улардан бири К.С.Васильцов бўлиб, изланишида тоғ эчкиси билан боғлиқ тасаввурларнинг семантик таҳлилини амалга оширади. У Ўрта Осиёдаги қоятош суратларини, Ўрта Осиё халқлари

хотирасидаги афсоналарни ҳамда қабрлардан топилган материаллар асосида тоғ эчкисининг аҳоли тасаввурларидаги аҳамиятини ёритади. Тоғ эчкиси сифатлари қадимий диний қарашларда қандай кўринишларда ифодаланганини таҳлил қилади [9,152-169].

Жониворларга нисбатан шаклланган муносабат илдизларини фанлараро таҳлил қилиш асосида ўрганиш долзарб муаммолардан биридир. Замонавий илмий қарашларга кўра, ҳозирги кундаги ҳайвон ва инсон муносабати пайдо бўлиши тарихи кўп масалаларга ойдинлик киритади. Шундай йўналишдаги изланишни Мелинда Зедер амалга оширган. Унинг фикрича, уй ҳайвонлари инсон томонидан танланиши омили жониворларнинг ўзини тутиши ва психологик жиҳатлари ҳисобланади [10, 180].

Қадимги даврда йилқичилик иши ва от билан боғлиқ маросимлар тўғрисида К.Виллекес тадқиқот иши олиб борган. Изланишда отнинг амалий санъатдаги ифодаланиши, унинг пони, Пржевальский, ахалтекин, ибер, касбий турлари ҳақида маълумотлар келтириб ўтилади. Бундан ташқари, Ўрта Осиё отлари, уларни парвариш қилиш муаммолари, хусусиятлари алоҳида параграфда очиқ берилган. Тадқиқотчи қадимги адабиётларда отларга берилган таърифларга алоҳида тўхталиб ўтади ҳамда Шарқ ва Ғарб йилқичилик аъёнларини солиштиради [11]. Ишда антик давр йилқичилиги ҳудудий ўзига хослиги ҳамда маросимлар ёритилган бўлса-да, эътиқодий дунёқарашга оид маълумотлар ҳам инobatга олинган. Қадимги даврдаги отларнинг инсон ва худо ўртасидаги воситачи бўлганлиги тўғрисидаги тасаввурларни келтириб ўтади.

Инсонларнинг мифологик қарашлари ҳамда маълум маросимлари орқали маданий тарихини ёритиш юзасидан ҳам айрим тадқиқотлар амалга оширилмоқда. В.С. Пайлуду олиб борган илмий изланишда финн-карел айиғи билан боғлиқ маросим кўшиғи мисолида аҳоли дунёқарашда ҳайвонларга нисбатан шаклланган қарашлар ўрганилган. Биргина маросим атрофида айиқ культига оид қадимий манбалардаги маълумотлар, илк диний шакллар тарихи, финнлар мифологияси, айиқ ҳамда буғу билан боғлиқ аجدод-жонивор тушунчаси каби илмий масалалар кўриб чиқилган. Ишнинг

аҳамиятли жиҳати шундаки, илмий муаммо бир неча контекстларда таҳлил қилинган ва гендер муаммоси тарихий илдизлари ўз исботини топган [12].

Бир этник гуруҳ тотемистик тасаввурларининг ўзига хослиги хусусида Шерон Мерс диссертацион изланиш олиб борган. У Шимоли-Ғарбий Бениндаги коблй этник гуруҳи дунёқарашда тимсоҳга нисбатан сақланиб келаётган қараш ҳамда эътиқодий ишонч масаласини таҳлил қилади. Ишнинг назарий қисмида Джон Лаббокдан тортиб, Леви-Строссгача бўлган олимларнинг фикрларини солиштиради. Аҳоли дунёқарашдаги тушунча ва тасаввурларни семиотик таҳлилин аналга оширган [13]. Ишда тимсоҳ қурбон қилиш маросими ва ҳайвон билан боғлиқ мифологик қарашларни келтириб ўтади.

Одам ва ҳайвон муносабатларига бағишланган яна бир диссертацион тадқиқот Бингтао Су томонидан бажарилган. У ўз изланишида Хитой ва Голландиядаги ҳайвонларга нисбатан ўрнатилган муомала нормаларини солиштиради. Инсон ва ҳайвоннинг психологик-эмоционал муносабатлари муаммоларини солиштиришда японлардаги мавжуд нормалар ҳам алоҳида келтириб ўтилади. Инсон кундалик турмушида уй ҳайвонлари дўстлиги ижтимоий меъёрлари ҳамда зарурияти ажратиб кўрсатилган [14].

Сўнгги йилларда инсон ва ҳайвон муносабатларининг психологик жиҳати тадқиқотларда ўз ифодасини топмоқда. Жониворлар ва инсон ўртасидаги муносабат муаммоларига бағишланган яна бир тадқиқот З. Над томонидан амалга оширилган. У Россиянинг Васюган ҳудудидаги айиқ ва инсоннинг бир-биридан кўрқиши масаласига психологик ёндашади ва аҳолининг айиққа нисбатан шаклланган қарашлари эмоционал жиҳатини ёритади. Шунга қарамадан, хантларнинг дунёқарашларидаги айиққа нисбатан мавжуд тасаввурларни келтириб ўтган. Унга кўра, айиқ даставвал одам бўлган. Хантларнинг ишончига кўра, дастлаб худо одамни яратмоқчи бўлганда айиқ пайдо бўлган [15, 62]. Тадқиқотчи одам ва айиқ аслида бир эканлиги ва инсон қилган гуноҳлари учун айиқ томонидан жазоланиши мумкинлиги одамларнинг онгида устун эканлигини қайд этади.

Ҳайвон култининг қадимги динлардаги ифодаси ҳамда шакллари замонавий тадқиқотларда алоҳида йўналиш ҳисобланади. Санъат ёдгорликлари асосида жониворларнинг қадимги даврдаги ўрнини Билли Коллинс тадқиқ этган. У мифологик манбаларни таҳлил қилган ҳолда меъморий ёдгорликларга солиштиради. Қадимги Шарқ диний эътиқодида жониворларга нисбатан муносабат муаммосига ўзига хос ёндашади [16].

Дебора Кантрел [17] яхудийлик динида отга нисбатан шакланган эътиқодий қарашларни символистик жиҳатдан ўрганган. Жангчи от куч-қудрат рамзи сифатида Библияда эъзозлангани мақолада ўз ифодасини топган. Эндрю Бенжамин эса яхудий анъаналарига кўра жониворларга қандай муносабат ўрнатилганлиги юзасидан салмоқли изланишни амалга оширган. У фалсафий ҳамда теологик жиҳатларга кўра жониворларга нисбатан шакланган яхудий қарашларига таъриф беради [18, 168].

Усмонлилар давлатида отга нисбатан шакланган муносабат Сурайё Фероқи томонидан ўрганилган. У от давлат, куч-қудрат рамзи сифатида қараб келинганлиги ҳақидаги маълумотларни келтиради. Ислоҳ ҳукмдорлари томонидан отни эъзозлаш ҳолатлари юзасидан келтирилган тарихий манбалардаги парчалардан мисоллар келтиради [19, 237-239].

Замонавий жамиятда жонивор инсон учун йўлдош вазифасини бажариб келмоқда. Сўнги тадқиқотларда кўзга ташланувчи жиҳатлардан бири сифатида вужудга келган инсон ҳамда ҳайвон муносабатлари худди шу масалаларга бағишланмоқда. Бундай тадқиқотларни шартли равишда икки қисмга бўлиш мумкин: инсон ҳамда ҳайвон муносабатлари тараққиёти ва анъанавий жамиятда ҳайвонларга нисбатан муносабат асослари ёки ҳайвонлар ҳуқуқи.

Маълумки, фарзанд тарбияси жуда муҳим жараёнлардан бири бўлиб, ушбу жараёнда уй ҳайвонлари маълум даражада салоҳиятга эга. Бола ўсиши жараёнида итга нисбатан муносабат қузатуви асосида Мери Жалонго томонидан тадқиқ этилган. У чақалоқнинг ўсиш вақтидаги уй ҳайвони бўлган ит билан бирга ўтказган вақтидаги муносабатларни таҳлил қилади. Тадқиқотда уй ҳайвони статуси, унга қараш зарурияти билан боғлиқ илмий хулосалар берилади. Уй

ҳайвони ҳамда инсон ўзаро муносабатда ўзини тутиши масалалари тараққиёти фанда алоҳида йўналиш сифатида шакланганлигини таъкидлайди. Изланишда боланинг психологик тараққиётида итнинг ўрни беқиёс эканлиги хулоса қилинган [20].

Бир гуруҳ тадқиқотчилар томонидан уй ҳайвонларининг инсон учун аҳамияти, психологик ҳамда амалий ёрдам бериши, турли хил стрессларнинг олдини олиши ёки реабилитация қилиши, жисмоний толиқишларни бартараф этиши, машқлар бажариш учун кўмаклашиши, уй ҳайвони парваришининг ижобий ва салбий жиҳатлари ўрганилган. Ит ва бошқа инсон учун ҳамроҳ бўла олувчи уй ҳайвонларининг кундалик ҳаётдаги зарурияти очиб берилган. Ҳайвонларнинг ижтимоий хизмати беқиёс эканлиги хулоса қилинган [21, 1249-1250].

Жиноятга қарши кураш учун ҳозирги кунда итлардан фойдаланиш муаммолари, уларнинг турмуш тарзи қай даражада кечаётганини ўрганиш учун Линдсэй Хемилтон ва Ник Тейлор янгича метод қўллаганлар. Улар жониворларнинг овозларини тинглаш орқали этнографик анализни амалга оширганлар. Улар қузатувдаги ҳайвон товушларини таҳлил қилиш орқали нимани истаётганларини ўрганишга ҳаракат қилишган. Шу орқали жонивор тасаввурлари тўғрисида тадқиқот иши бажарилган [22, 51-55].

Анималистик таҳлил орқали жониворларни идентификация қилиш масаласида таниқли олим Тим Инголд тадқиқот олиб борган. Ўз изланишида ҳайвонийлик даражаси, инсон тасаввурларида ҳайвон конструкцияси, жониворлар атроф-муҳити ҳамда инсон ва ҳайвон муносабатлари масалаларига ойдинлик киритиб берган. Бундан ташқари, у яна инсон ҳайвон-муносабатлари маҳсулотли, антропоморфизм, тотемистик тасаввурлар, жониворликдан ижтимоийлашувга айланиш каби жиҳатларни таҳлил қилади [23].

Жониворларга нисбатан муносабат бўйича Австралиянинг 2000 дан ортиқ шаҳар, қишлоқ, айрим минтақаларида олиб борилган йирик тадқиқот Эдриан Франклинга тегишли ҳисобланади. У тадқиқотда жониворларга нисбатан муносабат, ҳайвонлар ҳуқуқи, жониворлар озиқ-овқат сифатида, маҳаллий ва келтирилган жониворлар қарама-

қаршилиги, ов ва ҳайвонлар дўстлиги каби муаммоларни таҳлил қилган [24,7-27].

Археологик материаллар асосида жониворларни дафн этиш маросимлари эволюцияси ҳамда тарқалиши тўғрисида Джеймс Моррис изланиш олиб борган. Тадқиқот натижасида қадимги даврдан ҳайвонлар билан дафн этиш маросимлари кўринишлари, майит билан қўйилган жониворлар турлари, ҳолати, топилган худудлар бўйича йирик жадвал шаклланди. Унда асосан қазима ишлари олиб борилган Британия ороли худуди бўйича шундай қабрлар рўйхати шакллантирилган [25,18]. Жониворлар билан дафн этиш омиллари қисқа бўлса-да келтириб ўтилгани изланишда эътиқодий қарашларнинг излари катта аҳамият касб этганини исботлайди.

Ҳозирги кунда дин ва ҳайвон масаласига бағишланган изланишлар олимлар диққат марказидан жой олган долзарб илмий муаммолардан биридир. Ушбу илмий ёндашувларда жониворларнинг ҳуқуқи алоҳида йўналиш сифатида шаклланди. Бугунги кунда жамият тараққиёти туфайли жониворларга нисбатан муносабат тубдан ўзгариб бормоқда. Динларда жонивор ҳуқуқи қай даражада бўлганлиги, бугунги кунда унга амал қилиниши юзасидан талайгина изланишлар мавжуд. Ризо Гарибоғи ва бир неча олимлар биргаликда исломда ҳайвон ҳуқуқи бўйича илмий изланиш олиб борганлар. Унга кўра, одамнинг жонивор олдидаги бурчи, қандай муносабат ўрнатиши зарурлиги Қуръони Карим ва ҳадислар асосида очиқ берилган. Кўпгина қўлғиналарда инсон ҳайвонот оламига жавобгар эканлиги хусусидаги маълумотлар таҳлил этилади [26,61-63].

Бундай илмий муаммо кенгроқ ёритилган илмий ишлардан бири Кристен Стилдтга тегишли. У ҳам ҳайвонларга нисбатан муносабат нормаларини ислом диний манбаларига асосланган ҳолда ёритади ва жониворларнинг ҳалол ва

ҳаромга ажратилиши масалаларида қатор фактларни келтириб ўтади. Итга ҳамда мушукка нисбатан бугунги кундаги Миср аҳолиси муносабатлари ислом қонуниятларига мос келмаслигини, аслида диний қонунларга кўра парвариш қандай бўлиши лозимлиги ҳақида фикр-мулоҳазалар беради [27,23-37].

Жониворларнинг ўзини тутиши, ҳайвонот яратилиши билан боғлиқ психологик, этнологик жиҳатлари ва инсон ҳамда ҳайвон онги тўғрисидаги кузатув натижалари келтириб ўтилган тадқиқот Глазго университети олимлари томонидан бажарилган. Улар инсон ва ҳайвон идентификацияси модели тузилиши ҳақидаги мулоҳазаларни ўртага ташлайдилар. Ит билан бирга ҳаракат қилишнинг турли жиҳатларини таҳлил қилади [28,2-24].

Инсон ва жониворлар ўртасидаги муносабатларнинг уйда, зоопаркда, циркда ва кўрикхоналарда қай тарзда моделлаштирилиши хусусида Гаролд Герцог кузатув олиб борган. У тадқиқотининг асосий илмий муаммоси сифатида “Нега фақат хомо сапинес уй ҳайвонларини парваришлайди?” деган масалани кўриб чиққан. Бундан ташқари, АҚШда итни парваришlash ҳолати ҳамда истиқболларига ўз қарашларини билдиради [29,296-308].

Бугунги кунда амалга оширилаётган сўнги тадқиқотлар янгича қамров ҳамда фанлараро ёндашувни талаб этмоқда. Уларда дунё динларидаги ҳам анъанавий консерватив қарашлар, фан, техника тараққиёти туфайли ҳам биологик, психологик, генетик ва бошқа замонавий илмий йўналишлар кесишувида жониворлар оламига янгидан баҳо берилмоқда. Инсонга яқин генетик хусусиятга эга ҳайвонларни тадқиқ этиш, органларини кўчириб ўтказиш имкониятлари долзарб аҳамият касб этса, бир гуруҳ тадқиқотчилар томонидан инсон ва ҳайвон муносабатлари ижтимоий-иқтисодий жараёнлар кесишувида ўрганилмоқда.

#### Адабиётлар:

1. Волков С.Н., Кузина С.Е. Тотемизм как форма эзотерических верований и способ существования. // Социологические исследования. Сентябрь 2009. -№ 9.
2. Харитонов М.А. Образ волка в социокультурной традиции народов Центральной Азии. –Улан-Удэ, 2000.
3. Текеева Л.К. Зоолатрия в традиционной культуре карачайцев и балкарцев. Автореферат диссертации... –Нальчик 2006.; Домашние животные в традиционном мировоззрении тюркоязычных народов Северного Кавказа (XIX – начало XX в.). // Исторические, философские, политические и юридические науки, культурология и искусствоведение. Вопросы теории и практики. –Тамбов: Грамота, 2013. -№ 11.; Культ волка в традиционных представлениях тюркоязычных народов Северного Кавказа. // Вестник Пермского университета, 2012. –Выпуск 3 (20).

4. Винорукова И.Ю. Животные в традиционном мировоззрении вепсов (опыт реконструкции). Автореферат диссертации... Петрозаводск, 2007.
5. Текеева Л.К. Домашние животные в традиционном мировоззрении тюркоязычных народов северного Кавказа (XIX – начало XX в.). // Исторические, философские, политические и юридические науки, культурология и искусствоведение. Вопросы теории и практики. –Тамбов: Грамота, 2013. -№ 11.
6. Текеева Л.К. Культ волка в традиционных представлениях тюркоязычных народов Северного Кавказа. // Вестник Пермского университета, 2012. -Выпуск 3 (20).
7. Соколова З.П. Культ медведя и медвежий праздник в мировоззрении и культуре народов Сибири. // ЭО, 2002 г., № 1.
8. Дудин Александр. Височные подвески – «бараныи рога» и некоторые вопросы мировоззрения ранних кочевников. // Актуальные проблемы. 2009. – Вып. 12.
9. Васильцов К.С. Образ горного козла (нахчира) в мифологии и религиозных представлениях горцев Западного Памира. // Электронная библиотека Музея антропологии и этнографии им. Петра Великого (Кунсткамера) РАН [http://www.kunstkamera.ru/lib/rubrikator/03/03\\_03/978-5-88431-271-5/](http://www.kunstkamera.ru/lib/rubrikator/03/03_03/978-5-88431-271-5/) © МАЭ РАН.
10. Melinda A. Zeder. The domestication of animals. // Journal of anthropological research Volume 68. Number 2, Summer 2012.
11. Carolyn Willekes. From the Steppe to the Stable: Horses and Horsemanship in the Ancient World. A Dissertation submitted to the faculty of graduate studies in partial fulfillment of the requirements for the degree of doctor of philosophy department of greek and roman studies Calgary, Alberta April, 2013.
12. Vesa Matteo Piludu. The Forestland's Guests Mythical Landscapes, Personhood, and Gender in the Finno-Karelian Bear Ceremonialism. Academic dissertation to be publicly discussed, by due permission of the Faculty of Arts at the University of Helsinki in Lecture Room 12 of the Main Building (Fabianinkatu 33) on the 19th of January, 2019.
13. Sharon Merz. "Crocodies are the Souls of the Community" An Analysis of Human-Animal Relations in Northwestern Benin and its Ontological Implications. a thesis for the degree of Doctor of Philosophy in Anthropology In February 2018.
14. Bingtao Su. Human-Animal Relationships: A Cross-Cultural Comparison of Human Attitudes towards Animals. DISSERTATION to obtain the degree of Doctor at the Maastrich University, on the authority of the Rector Magnificus Prof.dr. Rianne M. Letschert in accordance with the decision of the Board of Deans, to be defended in public on Monday 25th of June 2018.
15. Надь З. «Все боятся медведя». Страх медведя на Васюгане в Сибири. // Томский журнал ЛИНГ и АНТР. Tomsk Journal LING & ANTHRO. 2015. 1 (7).
16. Billie Jean Collins. A history of the Animal World in The Ancient Near East. Brill. Leiden. Boston. Köln. 2002.
17. Deborah O'Daniel Cantrell. "Some Trust in Horses": Horses as Symbols of Power in Rhetoric and Reality. / Warfare, Ritual, and Symbol in Biblical and Modern Contexts. Society of Biblical Literature. –Atlanta, 2014.
18. Andrew Benjamin. Of Jews and Animals. Edinburg University Press. 2010.
19. Suraiya Faoqhi. Animals and People in the Ottoman Empire. Eren, Istanbul. 2010.
20. Mary Rencik Jalongo. An Attachment Perspective on the Child-Dog Bond: Interdisciplinary and International Research Findings. // Early Childhood Educ J. Springer Science+Business Media New York 2015.
21. McConnell, Brown, Shoda, Stayton, and Martin. Friends With Benefits: On the Positive Consequences of Pet Ownership. // Journal of Personality and Social Psychology 2011, Vol. 101, No. 6.
22. Lindsay Hamilton, Nick Taylor. Ethnography after humanism. Power, Politics and Method in Multi-Species Research. Palgrave Macmillan. 2017.
23. Tim Ingold. Companion Encyclopedia of Anthropology. Routledge, London and New York. 2003. / What is an animal? Routledge, London and New York. 2003.
24. Adrian Franklin. Human-Nonhuman Animal Relationships in Australia: An Overview of Results from the First National Survey and Follow-up Case Studies 2000-2004. / Society and Animals 15 (2007). Koninklijke Brill NV, Leiden, 2007.
25. James Morris. Investigating animal burials. Ritual, mundane and beyond. BAR British Series 535, 2011. P. 18.
26. Reza Gharebaghi, Mohammad Reza Vaez Mahdavi, Hasan Ghasemi, Amir Debaei, Fatemeh Heidary. Animal rights in Islam. / 2008, Japanese Society for Alternatives to Animal Experiments.
27. Kristen Stilt. Animal Welfare in Islamic Law. – Ch.: Northwestern University of Chicago, 2015.
28. Eric Laurier, Ramia Maze and Johan Lundin. Putting the Dog Back in the Park: Animal and Human Mind-in-Action. / MIND, CULTURE, AND ACTIVITY, 13(1), P. 2–24. Copyright © 2006, Regents of the University of California on behalf of the Laboratory of Comparative Human Cognition.
29. Herzog, H. (2014). Biology, culture, and the origins of pet-keeping. / Animal Behavior and Cognition, 1(3),
30. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидага кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида. / Халқ сўзи. -2019 йил 29 май, № 109.

(Тақризчи: М.Исомиддинов - тарих фанлари доктори, профессор).